	Пулли телевидение хизматларини кўрсатиш шартномаси			ш. Тайёрлади:	
		Шартнома номери	Шартнома тузилган сана	Шахар (Шартнома тузилган жой)	Шахсий ҳисоб рақам
Бир томондан «UZDIGITAL TV» МЧЖ, кейинги ўринларда “Провайдер” деб юритилувчи номидан Низом ва Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш Вазирлиги томонидан 03.06.2015 йилда берилган АА 0005595-сонли Лицензия асосида ҳаракат қилувчи Бош директор Хикматуллаев Н.Н.ва иккинчи тарафдан “Абонент” деб юритилувчи, биргалликда “Тарафлар” деб юритилувчи, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида тузилди:					
Абонент (Ф.И.Ш.):					
Паспорт:		Берилган:			
Телефон:					
Манзил (Место постоянной, временной прописки):					

1. АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

1.1. Провайдер - «UZDIGITAL TV» МЧЖ, рақамли телевидение оператори тармоғи орқали тижорат асосида ер усти рақамли телевидение хизматларини тақдим этувчи юридик шахс.

1.2. Абонент - Провайдер билан мазкур шартнома билан тузган, Хизматлар ҳақини тўлаган ва мазкур Шартнома билан белгиланган шартлар асосида Хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс.

1.3. DVB-T Ер усти рақамли эфир узатиш стандарти (Digital Video Broadcasting Terrestrial).

1.4. Абонент ускунаси - Провайдер томонидан кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш имкониятини яратиш учун Абонентда ўрнатилган, Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи техник регламентлар ва стандартларга мувофиқ ускунанинг ушбу турга кўйилган техник талабларга, Провайдернинг шартли фойдалана олиш тизимининг талабларига мувофиқ бўлган техник восита ёки уларнинг мажмуи. Абонент ускунаси Абонент томонидан сотиб олинди, унинг мулк ҳисобланади ва тегишли равишда ўрнатилган бўлиши шарт. Абонент ускуналарига кўйилган қиради:

1.4.1. Сарфланадиган материаллар - коаксиал кабель RG-6 (75 Ом), штекер, коннектор, ДМТ диапазонли антенна;

1.4.2. Set-Top-Box (STB) - рақамли телевидение сигналин қабул қилувчи ва уни декодловчи қурилма, телевизион приёмник (кўшимча мослама);

1.4.3. САМ-модуль - ичига ўрнатилган DVB-T тонери телевизорларда рақамли телевидениенинг пулли пакетларига кириш учун зарур мослама;

1.4.4. Смарт-карта - Абонентни индивидуаллаштириш қилиш ва унга Хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш имкониятини яратувчи микропроцессор ўрнатилган электрон картаси.

1.5. Хизматлар - қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда шартнома асосида рақамли телевидение телеканалларининг пуллик пакетларига кириш имкониятини тақдим этиш.

1.6. Қўшимча хизматлар - Абонент ускуналарини монтаж қилиш, соғлаш ва хизмат қилиш бўйича пуллик хизматлар, ҳамда тасдиқланган рўйхат ва тарифлар бўйича Абонентга кўрсатиладиган бошқа пуллик хизматлар.

1.7. Телеканаллар пакети - Провайдер томонидан ўрнатилган ва унга кириш мазкур Шартнома шартлари асосида амалга ошириладиган, Абонент томонидан танлаган телеканаллар тўплами.

1.8. Уланиш - Абонентни индивидуаллаштириш ва шартли картасиз (смарт картасиз) ишлайдиган абонент ускуналаридан фойдаланган тақдирда, унга Провайдер хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи хизмат.

1.9. Сайт - www.uzdttv.uz манзилида жойлаштирилган, Провайдернинг Интернет тармоғидаги расмий сайти, унда «UZDIGITAL TV» МЧЖ ҳақида зарур маълумотлар мавжуд (максдаллари, хусусиятлари, алоқа учун маълумотлар, Шартнома ва унга қиритилгандаги ўзгаришлар, шартлар, тарифлар, хизматлар ва бошқа маълумотлар).

1.10. Шахсий кабинет - Абонентнинг Провайдер сайтыда жойлаштирилган ва Абонентга тақдим этиладиган хизматлар ҳақида маълумот берувчи, кириш махфий маълумотлар билан (логин ва пароль) ҳимояланган махсус қисми.

1.11. Фаоллаштириш (ёқини) - Абонент ускуналарини Провайдер хизматларидан фойдаланиш имкониятини яратиш учун фаол ҳолатга келтириш.

1.12. Нофаолаштириш (ўчириш) - фаоллаштиришга тескари бўлган жараён.

1.13. Шахсий ҳисоб рақам - Абонентга берилган, Провайдернинг АХТСда ёзилган такрорланмас рақам, у Абонентнинг буюрилган ва тақдим этилган хизматлар учун ҳисоб-китоблари тарихини ва жорий ҳолатини акс эттиради, ушбу рақам Абонентнинг идентификация рақами - «ID» ҳисобланади.

1.14. Хизматлар амал қилиш муддати - Абонент томонидан тўланган календарь даври, у Хизматлар тақдим этиладиган ойлр билан ҳисобланади. Календарь даври хизматлар тақдим этилган санадан бошлаб ҳисобланади.

1.15. Рақамли телевидение хизматлари тақдим этиладиган ҳудуд (матнда бундан бунён “Худуд” деб аталади) - техника меъёрларига жавоб берадиган телевидение сигнали қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси ҳудуди.

1.16. Call-Center - Абонентга ахборот-маслаҳат ва техник ёрдам тақдим этиш хизмати, support@uzdttv.uz, +998 71 129 90 00.

1.17. Провайдернинг жавобгарлик зонаси - Абонентнинг қабул қилувчи антеннасида рақамли сигнал қабул қилувчи мосламачага тақдим этилган сигнал сифати, ҳамда Провайдер Хизматларини бошқариш учун ишлатаётган ускуналар.

1.18. Абонентнинг жавобгарлик зонаси - Абонент ускуналари, ҳамда Абонент эгаллик қилиш ёки фойдаланиш ҳуқуқи бўлган шахсий идентификация маълумотлари (шахсий ҳисоб рақам, шахсий кабинетда логин ва пароль).

1.19. Автоматлаштирилган Ҳисоб-Китоб тизими (АХКТ) - Абонентларни автоматлаштирилган ҳолда ҳисобга олиш, уларнинг Шахсий ҳисоб рақамлари ҳолати, абонент тўловини ҳисоблаш, Хизматларни автоматик равишда бошқариш имкониятини берувчи дастурий воситалар мажмуаси.

1.20. Абонент тўлови - Провайдер Абонентга тақдим этаётган хизматлари учун ҳар ойлик тариф тўлови.

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Провайдер абонентга телеканалларнинг қодланган пакетларига кириш бўйича хизматларини, ҳамда Қўшимча хизматларини тақдим этади.

2.2. Абонент телеканаллар пакетини томоша қилиши билан боғлиқ барча хатарларни ўзига олади, шу жумладан қўриш режимларига, ёшга оид чекловлар, руҳий ахвол ва ҳоказога риоя

қилди, ҳамда Провайдер айбонис эҳтимоли хатоликлар, техник узиллишлар ёки кўрсатувларда технологик таъаффуслар вужудга келиши мумкинлиги билан розилигини билдиради.

3. ХИЗМАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Провайдер, Абонент ер усти рақамли телевидение (РТВ) тармоғига уланиши шартли билан, Абонент ускуналаридан фойдаланган ҳолда хизматлар тақдим этади.

3.2. Хизматлар фақат Худудда ва Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари мавжудлигида, ва Абонент томонидан мазкур Шартнома шартларига риоя қилиши шартли билан тақдим этилади.

4. ХИЗМАТЛАР ҚИЙМАТИ ВА ТЎЛОВ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома қиймати мазкур Шартноманинг 11-бўлимида кўрсатилган бир йўла ва ҳар ойлик тўловлар микдорларидан шакллантирилади ва Абонент танлаган телеканаллар Пакети, Қўшимча хизматлар ва Сарфланадиган материалларга боғлиқ ҳолда ўзгаририлиши мумкин, бу мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган Қўшимча келишув, сче-фактура ва ёки бажарилган ишлар далолатномаси билан расмийлаштирилади.

4.2. Тарафлар Провайдер Хизмати, Қўшимча хизматлар, Сарфланадиган материалларни, тасдиқланган рўйхат ва тарифлар бўйича тақдим этишига келишдилар. Амалдаги тарифлар Провайдер офиси ва ёки Сайтида кўрсатилади.

4.3. Хизмат ва Қўшимча хизматларнинг тарифларини ўзгаририш, Провайдер томонидан бир томонла амалга оширилади, Абонентни мажбурий оғохлантириш шартли мазкур Келишувнинг 4.13-бандига мувофиқ амалга оширилади.

4.4. Абонент ускуналари юк хати сче-фактураси ва топшириш-қабул қилиш далолатномаси имзоланган сўнг Абонентнинг эгаллигига ўтади.

4.5. Мазкур Шартнома бўйича барча тўловлар Ўзбекистон Республикаси миқлий валютаси - СЎМДА амалга оширилади.

4.6. Тўловлар Шартнома имзоланган кундан бошлаб 3 банк иш куни ичда Абонент томонидан бир йўла 100% олдидан тўлов қўрилишида амалга оширилади.

4.7. Абонент тўлови, Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари келиб тушган ва Хизмат уланган пайтдан бошлаб ҳисобланади.

4.8. Абонент тўлови 100% олдидан, жорий ойнинг 25 санасидан кечиктирмай тўланади. Абонент тўлови 1 (бир) ойдан ортиқ муддат учун тўланиши мумкин. Бунда, ҳар бир календарь ойнинг биринчи санасида, Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига мавжуд бўлган пул маблағлари жорий календарь ой учун Шартноманинг 11-бандига мувофиқ тенг микдорда қайтариб боради. Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари мавжуд бўлмаса, Хизмат автоматик тарзда блоқировка қилинади.

4.9. Абонент Провайдер Хизматлари учун 2 (икки) календарь ойдан ортиқ муддат ичда тўловни амалга оширмаса, пул маблағлари Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига тушганда сўнг Хизмат Провайдернинг АХКТда автоматик тарзда фаоллаштирилади. Абонент тўлови пул маблағлари тушган санасидан қатъий назар тўлиқ жорий календарь ой учун ечилади.

4.10. Абонент Провайдер Хизматларидан фойдаланиш учун 2 (икки) календарь ойдан ортиқ муддат ичда тўловни амалга оширмаган (Абонентда Провайдер олдда қарздорлик мавжуд эмаслиги шартли билан) ва Провайдерга 5.4.6-бандга мувофиқ Хизматлардан фойдаланмаётганлигини тўғрисида Провайдер номига ариза билан мурожаат қилмаган бўлса, Абонент, Хизматларини фойдаланиш ва фаоллаштириш билан боғлиқ бўлган тўловлар, ойлик абонент тўлови фаоллаштирилган кундаги тарифлар бўйича тўлайди. Бунда Абонент тўлови, Хизматни фаоллаштириш санасидан бошлаб ечиб олинади.

4.11. Абонент унинг Шахсий ҳисоб рақамига мавжуд пул маблағлари ҳақида маълумотини Провайдер офисида, Call-Center ва ёки Шахсий кабинет орқали олиши мумкин.

4.12. Қўшимча хизматлар ва / ёки Сарфланадиган материаллар учун тўлов, улар тақдим этилган санадан бошлаб Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамидан пул маблағларини ечиш йўли билан тўланади. Қўшимча хизматлар тақдим этилиши Қўшимча келишувни тузмасдан, Абонентнинг ижобий баланси мавжудлигида тақдим этилади. Бажарилган Қўшимча хизматлар, Сарфланадиган материаллар ҳажми ва қиймати юк хати сче-фактурасида, бажарилган ишлар далолатномасида кўрсатилади, улар мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4.13. Тарифларнинг ўзгариши учун Провайдер Сайтида кўрсатирилганидан сўнг 15 кунда кучга қиради, бунда Абонент қиритилган ўзгаришлар ҳақида тегишли тарзда ва ўз вақтида оғохлантирилган ҳисобланади. Абонент тарифлар ўзгариши билан рози бўлмаган тақдирда, мазкур Шартноманинг 8.2-бандга мувофиқ Шартномани бекор қилиши мумкин. Абонентнинг ёзма аризаси мавжуд эмаслиги унинг ўзгаришлар билан розилигини билдиради ва Провайдер Хизматлари учун янги тарифлар бўйича тўловни амалга ошириш учун асос бўлади.

4.14. Абонент пул маблағларини нотўғри Шахсий ҳисоб рақамига ўтказиб юборган бўлса, ечишдан сўнг қолган пул маблағлари Абонентнинг Провайдер номига ёзма аризаси асосида унинг ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин, аризага тўловни тасдиқловчи ҳужжат йлова қилинган бўлиши шарт. Нотўғри Шахсий ҳисобга ўтказилган ва ариза топширилган пайтда ечилган пул маблағлари қайтариқмайди.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Провайдер мажбуриятлари:

5.1.1. Провайдернинг жавобгарлик зонасида Хизмат сифатини таъминлаш учун барча зарур чораларни қўриш;

5.1.2. Абонент ускуналарини ўрнатиш, талабнома келиб тушган

кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичда, Абонент мазкур Шартноманинг 4-бўлимига мувофиқ тўловни амалга оширганидан сўнг ўрнатилади. Талабномани бажариш муддати, Абонент ва Провайдерга боғлиқ бўлмаган вазиятлар вужудга келган тақдирда, Провайдер томонидан узайтирилиши мумкин.

5.1.3. Абонент томонидан танланган телеканаллар пакетига асосан Хизматларни тақдим этиш, мазкур Шартноманинг 7-бўлимида келтирилган ҳолатлар бундан истисно.

5.1.4. Провайдер Хизматларининг сифати кескин ёмонлашса, Абонентдан талабнома келиб тушгандан сўнг 5 (беш) иш куни ичда носозликларни бартараф этиш, мазкур Шартноманинг 6.5-бандида ва 7-бўлимида келтирилган ҳолатлар бундан истисно. Талабномани бажариш муддати, Абонент ва Провайдерга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар вужудга келган тақдирда, Провайдер томонидан узайтирилиши мумкин.

5.1.5. Абонент талабига асосан унинг Шахсий ҳисоб рақамига акс эттирилган ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида тўлиқ маълумотларни тақдим этиш;

5.1.6. Абонентга Хизматларни тақдим этиш тартиби ҳақида батафсил маълумотини Провайдернинг офисларида, Сайт ёки Call-Center орқали тақдим этиш.

5.1.7. Техник зарурятлар бўйича (профилактика ишларини бажариш) Хизмат кўрсатилиши вақтинча тўхтатилган тақдирда, тегишли маълумотини Сайтда ва ёки “чопар сатр”да жойлаштириш йўли билан Абонентни қамда бир сутка аввал оғохлантириш. Абонент бундай маълумотини Провайдерга боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра олмаса, Провайдер Абонент ўз вақтида оғохлантирилган учун жавобгар бўлмайди ва бу муносабат билан эътирозлар қабул қилинмайди.

5.1.8. Провайдер айби билан Хизматлар кўрсатилмаган тақдирда, Абонент мурожаат бўйича Провайдер манзилига ёзма ариза топширилган кундан бошлаб, Абонент тўловини қайта ҳисоблаш;

5.1.9. Тўловни ўз вақтида тўламаганлиги учун, тўхтатилган Хизматларни кўрсатилиши бир сутка ичда, Абонент томонидан қиритилган маблағлар тўлаганиги тасдиқловчи ҳужжат Провайдерга тақдим қилинганидан сўнг амалга ошириш.

5.2. Провайдер ҳуқуқлари:

5.2.1. Абонент оғохлантирмасдан, ваколатли орган томонидан Худудда намоийш этишга рухсат этилган телеканаллар Пакетидан у ёки бу теледастуруларни қўриш ёки олиб ташлаш йўли билан телеканаллар Пакетини ўзгаририш;

5.2.2. Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари етмаган тақдирда ёки Абонентда Қўшимча хизматлар ва Сарфланадиган материаллар учун тўлов бўйича қарздорлик вужудга келса, Хизматларни кўрсатилиши тўхтатиб қўйиш;

5.2.3. Ускуналарни ўрнатиш учун техник ёки бошқа шароит бўлмаса, Хизматларни кўрсатилишини рад этиш, бунда Абонентдан олинган тўлов мазкур Шартноманинг 8.5-бандига мувофиқ қайтарилади.

5.3. Абонент мажбуриятлари:

5.3.1. Белгиланган техник талабларга мувофиқ Абонент ускуналаридан фойдаланиш ва уларни сақлаш тартибига тўлиқ жавоб бериш;

5.3.2. Абонент ускуналари ишдан чиқса, дарҳол Провайдерга ёзма равишда хабар бериш. Фақат шундангина Абонент ёзма мурожаат қилиш санасидан Абонент ускуналарини тиклаш санасигача Абонент тўлови қайта ҳисобланади;

5.3.3. Провайдер офисида тегишли равишда расмийлаштирмасдан Абонент ускуналарини учинчи шахсларга бермаслик. Хабарнома берилмаган бўлса, Провайдер учинчи шахслар томонидан Абонент ускуналари рухсатсиз ишлатилганлиги учун жавобгар бўлмайди;

5.3.4. Абонент ускуналаридан мавжуд маълумотлардан нухса кўчирмаслик, ўзгаришмаслик ёки бошқа усулда ундан фойдаланмаслик. Маълумотларни рухсатсиз ишлатиш ман этилади ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади;

5.3.5. Хизматлар ва Қўшимча хизматлар учун мазкур Шартнома билан назарда тутилган шарт ва тартибда ўз вақтида ва тўлиқ тўловни амалга ошириш;

5.3.6. Провайдер ҳодимларига, улар хизмат гувоҳномасини ёки рухсатномасини тақдим этганидан сўнг, Абонентни Хизматларга улаш учун Абонент ускуналари ўрнатилган хоналар ёки жойларга кириш имкониятини тақдим этиш;

5.3.7. Хизматлардан фойдаланганда вужудга келган муаммолар ҳақида, шу жумладан телевидение сигнали йўқолганлиги ҳақида дарҳол Call-Center га қўнғирок қилиб ёки Провайдер офисига мурожаат қилиб, Провайдерга хабар бериш;

5.3.8. Мазкур Шартномада келтирилган абонент маълумотларида (фамилияси, исми, отасининг исми, тувар жойи, телефонлар рақамлари) ўзгаришлар ҳақида 5 кун ичда хабар бериш;

5.3.9. Янги ахборот хабарномалар, Хизматлар бўйича тарифлар ўзгариши, Қўшимча хизматлар рўйхати, Хизматлар ўчирилиши, профилактика ишлари, қарздорлик мавжудлиги ва ҳоказолар тўғрисида маълумотлар билан танишиб чиқиш учун, Провайдер Сайтини/Шахсий кабинетини мунтазам равишда, ҳафтада қамда бир маротаба танишиб туриш;

5.3.10. Оммавий намоийш, кейинчалик намоийш қилиш учун кўрсатувларини ёзиб олиши амалга оширмаслик, ҳамда ўз ускуналаридан фойда олиш учун фойдаланмаслик, шу жумладан уни кабель телевидениеси ёки бошқа телевидение тармоғига улаш йўли билан, ҳамда Абонент ускуналаридан мазкур Шартнома билан назарда тутилмаган максдалларда фойдаланмаслик;

5.3.11. Унга берилган шахсий идентификация маълумотларининг махфийлигини сақлаш;

5.4. Абонент ҳуқуқлари:

5.4.1. Мазкур Шартнома билан назарда тутилган Хизматлар ва Қўшимча хизматлардан фойдаланиш;

5.4.2. Ўз Шахсий ҳисоб рақами аҳоли ҳақида маълумот сўраш, Хизматлар бўйича Провайдер офиси, Сайти ёки Call-Center орқали маслаҳат олиш, мазкур Шартнома билан назарда тутилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш. Сўров берилганда, Абонент ўз абонент маълумотларини тақдим этиши керак; Шартнома рақами, Шахсий ҳисоб рақами (ID) ёки Абонент ускунаси рақами;

5.4.3. Провайдерга мазкур Шартномага асосан Провайдер мажбуриятлари бажарилиши бўйича, Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ эътирозлар келтириш;

5.4.4. Абонент икки ва undan кўп нукталарни улаган тақдирда, барча тузилган Шартномалар бўйича Шахсий рақамларни бирлаштириш;

5.4.5. Провайдерни ёзма равишда огоҳлантириб, Абонент ускуналарини учинчи шахсларга бериш. Провайдерга хабар берилмаган бўлса, Провайдер учинчи шахслар Абонент ускуналаридан рухсатсиз фойдаланганлиги учун жавобгар бўлмайди;

5.4.6. Телеканаллар Пакетини алмаштириш, Провайдер офисларидан ёки Шахсий кабинет орқали жорий календарь оғи тугашидан камидан 3 (уч) иш куни аввал ўзгартириш. Хизмат нархи Провайдер Сайтида кўрсатилган. Ўзгартиришлар, Абонентнинг ижобий баланиси мавқудлигига шарт билан, кейинги календарь ойининг биринчи санасидан кучга киради;

5.4.7. Қўшимча хизмат орқали "Вақтинча ўчириш", 12 календарь ойи мuddатгача Абонент тўловини ҳисобламаган ҳолда Хизмат тақдим этилишини тўхтатиб туриш. Хизмат нархи Провайдер Сайтида келтирилган. Мазкур хизматдан фойдаланиш учун, Абонентнинг ижобий баланиси мавқудлигига хизматдан фойдаланиш режалаштирилмаётган ойдан икки ой олдин Провайдер манзилга ёзма ариза жўнатиш керак ёки Шахсий кабинет орқали расмийлаштириш керак. Ариза тақдим этилмаса, ёки у кўрсатилган мuddатдан кечроқ топирилса, абонент тўлови умумий шартларда ҳисобланади ва қайта ҳисобланмайди. Агар "Вақтинча ўчириш" хизматидан фойдаланаётган Абонент Провайдер хизматларини мuddатидан аввал фойдалаштириши истаса, Абонент Хизматдан фойдаланиш санасидан қатъий назар, жорий ой учун абонент тўловини тўлиқ ҳажмда тўлайди;

5.4.8. 8.2-бандга мувофиқ Провайдер билан шартномани бекор қилиш;

5.4.9. Хизматлардан суткада 24 (йигирма тўрт) соат, ҳафтада 7 (етти) кун давомида фойдаланиш, Провайдер, кўрсатувчилар томонидан режалаштирилганда ва регамент ишларини бажариш учун танаффуслар бундан истисно, улар бажарилиши тўғрисида маълумот Провайдер Сайти ва/ёки "чопар сатр" орқали эълон қилинади;

6. ТАРАФЛАР ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Провайдер телевидение сигналининг сифатини амалдаги стандартларга мувофиқ таъминлайди ва ўз мажбуриятларини бажариш учун, мазкур Шартнома билан назарда тутилган тартиб ва шартларга, ҳамда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ жавобгарлиқни ўзига олади.

6.2. Мазкур Шартнома бўйича Қўшимча хизматлар Провайдер айби билан ўз вақтида кўрсатилмаган тақдирда, Абонент Провайдерга ҳар бир кечиктирилган кун учун кўрсатилган Қўшимча хизматлар ҳажмининг 0,5% миқдорда, аммо тақдим этилмаган Хизмат қийматининг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Қўшимча хизматлар ва/ёки Сарфланадиган материаллар учун ўз вақтида тўлов амалга оширилмаса, Абонент Провайдерга ҳар бир кечиктирилган кун учун кечиктирилган тўловнинг 0,4% миқдорда, аммо кечиктирилган тўловнинг 50% дан ошмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Абонент Провайдер хизматлари учун тўловлар тўғри амалга оширилиши учун жавобгар ҳисобланади. Ноғўғри Шахсий ҳисоб рақамга тўланган маблағларнинг қолган қисми ўтказилиши, мазкур Келишувнинг 4.14-бандига асосан амалга оширилади.

6.5. Провайдер куйидагилар учун жавобгар бўлмайди:

6.5.1. Абонент ускуналари носозлиги ёки Абонентни undan ноғўғри фойдаланганлиги оқибатида, ҳамда Провайдерга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра телевидение сигнали сифатсизлиги;

6.5.2. телевидение дастурлари мазмуни;

6.5.3. ускуналар, дастурий таъминот алмаштирилиши ёки Провайдернинг техник тизимларининг иш қобилиятини сақлаш ва ривожлантириш зарурияти билан боғлиқ ҳолда ўтказилаётган ишлар вақтида Хизмат тақдим этилиши қисман ёки тўлиқ тўхтатилганлиги;

6.5.4. электр тармоғида кучлиши, ҳарорат режими, Абонентнинг телевизор ускунаси техника талабларига жавоб бермаслиги каби фойдаланиш учун нормал шартлар мавқуд эмаслигида, тасвир сифати ёмонлиги;

6.5.5. Абонент ускуналари ишдан чиқиши;

6.5.6. Абонент томонидан мазкур Шартнома шартлари бажарилмаслиги;

6.5.7. кўрсатув узатилиши стандарти ўзгариши;

6.5.8. дастурлар жадвали ўзгариши ёки телеканал Пакетидан ўзгариш ва қайта тартибга солинганлиги (тўхтатилиши);

6.5.9. Абонент ускуналари мустақил ва/ёки учинчи шахслар томонидан ўрнатилган бўлса, телевидение сигнали сифатсиз қабул қилиниши;

6.6. Пеня тўланиши тарафларни мазкур Шартнома билан назарда тутилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

6.7. Мазкур Шартнома билан назарда тутилган Тарафларни жавобгарликка тортилиш чоралари Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ қўлланилади.

7. ФОРС-МАЖОР

7.1. Тарафлар мазкур Шартнома имзолаганидан сўнг энгиб бўлмас кучга эга вазиятлар оқибатида ўз мажбуриятларини бажармасе ёки қисман бажармасе, улар жавобгарликдан озод этилади. Бундай вазиятларга, жумладан, куйидагилар киради: табиий офатлар, табиий ва саноат фожиялар, террористик ҳаракатлар, харбий ҳаракатлар, фуқаровий ғалаёнлар, давлат ҳукумати органлари ёки маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан мазкур Шартнома бўйича Тараф фаолиятига нисбатан чеклов ёки тақиқ мавқуд қарорлар қабул қилиниши, суний йўлдошдан сигнал даражаси пайсаиши ёки йўқолиши, ҳамда олдиндан билиб бўлмайдиган ва бартараф қилиб бўлмайдиган бошқа ҳолатлар.

7.2. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларини бажаришга тўқсинлик қиладиган энгиб бўлмас кучга эга вазиятлар вужудга келганда, Тарафлар ўз мажбуриятларини бажариш мuddати бундай вазиятлар мuddатига, ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этиш учун зарур мuddатга, аммо 60 (олтмиш) календарь кундан ортиқ бўлмаган мuddатга кечиктирилади. Энгиб бўлмас кучга эга ҳолатлар кўрсатилган мuddатдан ортиқ мuddат ичида амал қилса, ёки улар вужудга келганда Тарафларга улар айтиб ўтилган мuddатдан ортиқ давом этиши аниқ бўлса, Тарафлар мазкур Шартномани бошқа йўл билан бажариш эҳтимолини муҳокама қилишга ёки зарарларни қопламаган ҳолда уни бекор қилишга розилигини билдиришади.

8. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ, УНГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

8.1. Мазкур Шартнома уни Тарафлар имзолаганидан сўнг кучга киради ва Тарафлар уни бекор қилгуча ёки тугатмгуча амал қилади.

8.2. Абонент Провайдерга ёзма ариза топириб, паспортнинг асл нусхасини тақдим этиб, мазкур Келишувни бир томонлама бекор қилиши мумкин. Фойдаланилмаган давр учун олдиндан қилинган тўлов Абонентнинг ёзма талабномаси асосида 20 банк иш куни ичида қайтарилади;

8.2.1. Шартнома 8.2-банд асосида тугатилганидан сўнг, у қайта тикланмайди. Мазкур Шартнома бекор қилингандан сўнг Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамига пул маблағлари тушиши, Провайдер Хизматларини тиклаш учун асос бўлмайди. Абонент Провайдер Хизматларидан фойдаланиш учун янги Шартномани тузишга ҳақли.

8.3. Абонент томонидан, рухсатсиз учинчи шахсларга хизматлардан фойдаланишга қаратилган ҳаракатлари учун Провайдер Абонентга жарималар тўламадан ва ишлатилмаган пул маблағларини қайтармасдан мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилиши мумкин.

8.4. Провайдер фаолияти тугатилганда, Шартнома бекор қилинади;

8.5. Абонент ускуналарини ўрнатиш учун техник ёки бошқа имконият бўлмаса, Шартнома бекор қилинади, пул маблағлари 20 банк иш куни ичида қайтарилади.

8.6. Мазкур Шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар Провайдер Сайтида чоп этилади. Абонент Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар билан рози бўлмаса, у 8.2-бандга мувофиқ Шартномани бекор қилиши мумкин. Ёзма ариза мавқуд эмаслиги, унинг ўзгартириш ва қўшимчалар билан розилигини билдиради.

9. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

9.1. Мазкур Шартномани бажаришда вужудга келиши мумкин бўлган барча низолар имконият қадар Тарафлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади. Тарафлар ўртасида ўзаро келишувга эришни имконияти бўлмаса, вужудга келган низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ судда кўриб чиқилади.

10. ЯКУНИЙ ШАРТЛАР

10.1. Абонент мазкур Шартномани тузиш вақтида Хизмат тақдим этилишининг барча шартлари, шу жумладан Провайдернинг рақамли телевидение сигналининг қабул қилиш техник имкониятлари мавқуд Хулуд ҳақида, амалдаги тарифлар тўғрисида хабарлар қилинганлигини ва Абонентга Хизматларини тақдим шартлари тўғрисида тўлиқ бўлмаган маълумот берилгани билан боғлиқ эътирозлари Провайдерга нисбатан йўқлигини тасдиқлайди.

10.2. Шартнома бир хил юридик кучга эга икки нусхада тузилган, ҳар бир Тарафда биттадан нусха сақланади.

10.3. Провайдернинг Қўшимча хизматларига қафолат мuddати бажарилган ишлар далалатномаси имзолаганидан сўнг бир календарь ой деб белгиланади. Мазкур мuddат ичида Абонент айби билан носозликлар вужудга келса, Провайдер мутахассисларини чақириб, уларни чақириб кунда амалда бўлган тариф бўйича тўланади.

10.4. STB ускуналарига қафолат мuddати ишлаб чиқарувчи завод: «TELECOM INNOVATIONS» ҚҚ МЧЖ (Навоий вилояти, Кармана шаҳри, К.Каршиев кўчаси 4а. Тел: 0 (436) 532-21-28, 0 (436) 220-00-05) томонидан Абонент юк хати счет-фактурани имзолаган кундан бошлаб 12 календарь ойига белгиланган, STB сифати ва иш қобилияти бўйича эътирозлар Абонент заводга мустақил мурожаат қилганда, завод томонидан кўриб чиқилади.

10.5. SAM-модулга қафолат мuddати унинг ишлаб чиқарувчиси «DIGITAL TECHNICS» МЧЖ - (Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 109-А. Тел: (+990 71) 150-33-67) томонидан Абонент юк хати счет-фактурани имзолаган кундан бошлаб 1 календарь ойига белгиланган.

10.6. Смарт-картага қафолат мuddати Провайдер томонидан Абонент юк хати счет-фактурани имзолаган кундан бошлаб 1 календарь ойига белгиланган.

10.7. Шартноманинг 10.5 ва 10.6-бандларида кўрсатилган ускуналар сифатига нисбатан эътирозлар қафолат мuddати давомида ишлаб чиқарувчи «DIGITAL TECHNICS» МЧЖ нинг Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 109-А (Тел: (+990 71) 150-33-67) манзилида жойлашган сервис маркази томонидан кўриб чиқилади.

Мазкур Шартнома бўйича бир йўла тўловлар:


№	Ускуналар ва хизматлар номланиши	Ўлчов бирлиги	Нархи, сўм	Миқдори	Жами, сўм
ЖАМИ					

Мазкур Шартнома бўйича ойлик тўловлар:

№	Телеканаллар пакети номланиши	Ускуна ўрнатиладиган манзил	Ўлчов бирлиги	Абон. тўлови	Миқдори	Жами, сўм
ЖАМИ						

* Хизмат, ускуна ва қўшимча сарфланадиган материаллар қиймати Шартнома имзолаган кундаги нархларда келтирилган.

Барча нархлар ҚҚС билан кўрсатилган

Реквизитлар: ПРОВАЙДЕР «UzdigitalTV» МЧЖ Манзил: 100202, Тошкент ш., Амир Тимур кўчаси, 109-А. ҳисоб рақами:20208000404813150001 «АЛОҚАБАНК» ОАТ да Тошкент ш. МФО: 00401 СТР:207027936 ХТТУТ: 52300 E-mail: accounts@uzdtv.uz Телефон: (+998 71) 129-9000	Провайдер: Имзо: М.Ў Сана:	Абонент: Имзо:  Сана:
--	--	---